

Чегараолди ҳудудларда “Ватан остонаси” шиори остида фестивали давом этмоқда



Термиз туманидаги 35-сонли умумтаълим мактабида “Ватан остонаси” шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Маҳфират Зикирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Зулфия Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, актёр Алишер Отабоев ҳамда хонанда Алишер Ҳамроевлар иштирок этишди.

Ижодий учрашувда маҳалла аҳли ва ёшлар эл ардоғидаги ижодкорлар билан дилдан суҳбатлашишди, куй-қўшиқларини тинглаб, рақсларга тушишди. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.